# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТАСИ

1974 ЙИЛ 1 ЯНВАРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

МУАССИСЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ» УЮШМАСИ

1997 йил 15 июль. Сешанба №56 (5.827). Сотувда эркин нархда






## БУЮК КЕЛАЖАК ДАСТУРИЛАМАЛИ

### Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида Президентимиз янги китобини ўрганишга бағишланган йиғилишдан

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Ватан ва миллат тақдири манфаатларини ўзида мужассамлаштирган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китоби буюк келажак сари ҳаракатимизнинг дастуриламалидир.

Давримизнинг энг муҳим, долзарб ва мураккаб ижтимоий-сиёсий масала-муаммоларини теран таҳлил эттан мазкур асар мустақил Ўзбекистонни дунёга танитишда алоҳида ўрин тутмоқда.

Йиғилишни олиб борган Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Маркс ЖУМАНИЁЗОВ асарнинг шу жиҳатлари хусусида тўхталди.

Китобнинг «Хавфсизликка таҳдид» деб номланган биринчи бобида минтақавий можаролар, диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми, коррупция ҳамда жиноятчилик каби муҳим масала-муаммолар чуқур таҳлил этилган. Асарни ўқиган киши юқоридаги каби реал воқеликлар, уларнинг сабаблари, ҳозиргидек мураккаб шароитда мустақиллик йўлидан оғишмай олға бориш стратегияси билан яқиндан танишади.

Йиғилишда айнан агросаноат мажмуи ходимлари учун тааллуқли жиҳатлар хусусида алоҳида гап борди. Асарда таъкидланганидек, цивилизация белгиларини авайлаб-асраш қанчалик зарур бўлса, қишлоқ хўжалигининг йиллар мобайнида бутунлай суғориладиган деҳқончиликка асосланган минтақа — ер ва сувни асраб-авайлаш ҳам шунчалик муҳимдир. Афсуски, охирги юз йилликда айнан минтақанинг экологик тизимига катта зарар етказилди. Аждодларимизнинг табиатдан фойдаланиш ҳақидаги анъанавий ахлоқ-одоб қоидалари унутиб юборилди. Ахир, бу қоидаларга кўра ер ва сувни булғаш гуноҳи азим ҳисобланадику?! Китобнинг яна бир муҳим жиҳати — зардуштийлик ва бошқа таълимотлар ҳақида ҳам кенг тушунча беради.

Асар таҳлилининг чуқурлиги, муаммо қўйилишининг янгича усули қўлланилганлиги билан хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Асар муаллифи муаммоларни ўртага ташлаш билан чекланиб қолмай, китобнинг иккинчи бобида уларни ҳал этишнинг аниқ йўлларини аниқ-равшан белгилаб берган.

Йиғилиш иштирокчилари нодир китобда мамлакатимизда маънавий қадриятлар, миллий ўзликни англаш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, бозор муносабатларини қарор топтириш, жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлик, мулкдорлар синфининг шаклланиши каби масалалар ҳам чуқур ёритилганлигини эътироф этдилар. Айни пайтда ҳаётимиз дастуриламалида Ўзбекистон заминининг саховати, бой табиий ресурслари ҳамда мустақиллик йилларида эришилган муваффақиятлар ҳам тўлақонли ўз ифодасини топган. Эътибор қилинг, Ўзбекистон пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда тўртинчи ўринни, уни экспорт қилиш бўйича эса иккинчи ўринни эгалламоқда. Мамлакатда пахта хом ашёсини ўзимизда қайта ишлаш юзасидан улкан ишлар амалга ошириляпти. Бухоро, Андижон, Тошкент, Фарғона шаҳарларида тўртта йирик тўқимачилик комбинати ишлаб турибди. Бундан ташқари турли минтақаларда 30 дан зиёд ипйигирув фабрикалари бор. Шу йўналишда ўнлаб қўшма корхоналар мавжудлиги қувончли ҳолдир. Улар орасида «Супертекстиль», «Самжинтекс», «Элтекс» кабилар алоҳида ўрин тутади. Заминимиз саховатини гап билан таърифлаш қийин. Мустақил Ўзбекистонда йилига 5 миллион тоннагача мева-сабзавот, узум маҳсулотлари етиштирилмоқдаки, улар истеъмол бозори учун етиб-ортади.

Йиғилишда сўзга чиққан Президент девони бош консультанти, ёзувчи Хайриддин Султонов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ва бошқалар асар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақиятига, Ўзбекистонимизнинг буюк келажагига барчада мустаҳкам ишонч уйғотади, қалбимиздаги муқаддас туйғуларни янада жўш урдиради, деб таъкидлашди.

**Мирғиёс ҚАЮМОВ,**
**Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.**

## КЎКДУМАЛОҚ КОМПРЕССОР СТАНЦИЯСИ ҚУРИЛИШИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ТАБРИКНОМА

Азиз дўстлар

Кўкдумалоқ конидаги улкан компрессор станцияси қурилишининг барча қатнашчиларини самимий қутлайман.

Маълумки, Ўзбекистон ноёб ёқилғи-энергетика ресурсларига эга. Республикамизнинг бой нефть-газ потенциали Ўзбекистоннинг энергетика мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини ошириш учун олдимизда янги имкониятлар ва истиқболлар очади.

Бугун ишга туширилган ноёб станция — бу қурувчилар, монтажчилар, муҳандис-техник ходимларнинг, Қашқадарё вилояти меҳнатсевар аҳолисининг, ўз ҳиссаси билан Ўзбекистон индустриясининг яна бир муҳим объектини фойдаланишга топширишни тезлаштирган барча кишиларнинг фидокорона меҳнати натижасидир.

Ушбу лойиҳанинг муваффақиятли тугалланганлиги халқаро молия ташкилотлари, машҳур хорижий фирмалар ва компаниялар томонидан Ўзбекистонга нисбатан катта ишончнинг яна бир ёрқин исботидир. Ушбу лойиҳанинг ижрочилари. — «Дрессер» ва «М. Ю. Келлогг» (АҚШ), шунингдек «Ниппо Иваи»(Япония) компаниялари ҳиссасини алоҳида қайд этишни истайман. Республика ҳукумати Ўзбекистоннинг ривожи учун ушбу устувор лойиҳани маблағ билан таъминлашни ташкил этганлиги учун АҚШ ва Япониянинг экспорт-импорт банкларига миннатдорлик изҳор қилади.

Барчангизни Кўкдумалоқ компрессор станцияси фойдаланишга топширилганлиги билан қизғин табриклайман, сизларга мустаҳкам саломатлик, бахт ва янги ютуқлар тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

*Мамлакатимиз жўшқин ҳаёти*

## УЧ ВИЛОЯТ ҒАЛЛАКОРЛАРИ ҒАЛАБАСИ

**ФАРҒОНА. Ўзбекистон Мустақиллигининг 6 йиллиги шарафига Фарғона вилоятининг миришкор деҳқонлари арзигулик туҳфа ҳозирладилар. Қабул пунктларига 315 минг тоннадан зиёд сара дон етказиб берилди. Давлатга дон топшириш йиллик режаси ошириб бажарилди.**

**Деҳқонлар Фарғона вилояти шароитида ғалла етиштиришнинг ўзига хос илғор усулларини пухта эгаллаб олганликларини амалда исбот қилдилар. Жорий йилда уруғликка алоҳида эътибор берилди. Асосий майдонларга буғдойнинг «Спартанка», «Скифянка», «Юна», «Ёнбош», «Санзор» каби серҳосил навлари экилди. Тажрибакор деҳқонлар ғалладан юқори ҳосил олдилар. Ўз ишининг моҳир усталари — Бешариқ туманидан Эркин Тўронов, Комилжон Бозоров, Учкўприк туманидан Илҳом Мадалиев, Тўхтасин Ўтбосаров, Олтиариқ туманидан Акрам Тожиев, Шуҳрат Жумаев, Қува туманидан Мадамин Сулаймонов, Мусажон Саримсоқов каби миришкор ижарачилар ҳар гектар ердан 67-70 центнердан зиёд дон етиштиришга муваффақ бўлдилар.**

**Бу йил вилоят, туман хокимликлари раҳбарлигида ўрим-йиғим уюшқоқлик билан ташкил этилди. Комбайчилар, дон ташувчилар, ижарачи ва бригадалар ўртасида мусобақа ташкил этилиб, ғолиблар мунтазам рағбатлантириб турилди.**

**Эришилган ғалабага давлатга дон топшириш режаларини ошириб бажарган Бешариқ, Учкўприк, Олтиариқ, Қува, Бувайда, Боғдод, Фурқат, Данғара, Риштон, Охунбобоев туманларининг ғаллакорлари жуда катта ҳисса қўшдилар. Вилоятда донни ўриб-йиғиб олиш давом этмоқда.**

**Раҳимжон МЕЛИБОЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

* * *

**НАМАНГАН вилояти ғаллакорлари давлатга дон сотиш бўйича йиллик топшириқни бажардилар. Мамлакат омборларига 173 минг тонна дон жўнатилди.**

**Наманган, Тўрақўрғон, Уйчи ва Учқўрғон туманларининг ғаллакорлари бу муваффақиятга энг кўп ҳисса қўшдилар. Мазкур туманлардаги бир қанча хўжаликларда ғалла ҳосилдорлиги 60-65 центнерга етди.**

**Ғалладан бўшаган майдонларда картошка, сабзавот, озуқа экинлари етиштирилади.**

* * *

**СУРХОНДАРЁ. Вилоят ғаллакорлари зафар қучди. Дон тайёрлаш давлат буюртмаси бажарилди. Хирмонга 207 минг тонна дон уюлди. Ўртача ҳосилдорлик 30,1 центнерга етди. Ғалладан бўшаган майдонлар пешма-пеш шудгорланиб такрорий экинлар экилмоқда.**

## МУНОСИБ ТУҲФА

Чортоқ туманида бу йил 4 минг 100 гектар майдонда ғалла етиштирилди. Деҳқонлар эрта кузда сифатли уруғ сепиб, парвариш ишларини юксак агротехника қоидалари асосида олиб борганликлари туфайли ҳосил мўл бўлди. Улар эл хирмонига 9 минг 600 тоннадан зиёд сара дон топшириб, давлат буюртмасини адо этдилар. Гектаридан 38 центнердан ҳосил олинди.

Мавсумни пухта тайёргарлик билан бошлаган чортоқликлар мавжуд комбайнларнинг тўла қувватда ишлашини таъминладилар. Ғаллакорларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш яхши йўлга қўйилганлиги ютуқлар омили бўлди.

Эришилган муваффақиятга Навоий номли жамоа 1635, «Ҳазратишоҳ» 832, Бобур номли жамоа 817, Пешқўрғонликлар 663, «Ойқирон» 1416, «Мустақилликнинг беш йиллиги» хўжалиги ғаллакорлари 1105 тонна сара дон топшириб, туман хирмонига муносиб ҳисса қўшдилар.

— Миришкор деҳқонларимиз ғалла етиштиришнинг ҳам ҳадисини олганликлари эришган натижаларидан кўриниб турибди, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Носиржон Бурҳонов. — Шуниси қувонарлики, 40-50 центнерчилар сафи ортиб бораяпти. Ғалладан бўшаган майдонлар пешма-пеш ҳайдалиб, такрорий экинлар экилмоқда.

**Э.ҲАСАНОВ.**

## АНДИЖОННИНГ ИСТИҚБОЛЛИ УСУЛИ

Андижон технологияси — чигитни плёнка остига экиш масаласи кўтарилганда ишонқирамаганлар кўп бўлди. Туман ҳокимлиги, пахтачилик пирлари масалага жиддий ёндошиб, бизга тамоман янги бўлган усулни синчиклаб ўрганишга жазм этдилар. Андижонга вакиллар юбориб, раислар, бригада бошлиқлари, агрономларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқилди. Эришилаётган натижалар бирма-бир таҳлил этиб чиқилди. Туман ҳокими сифатида чигитни плёнка остига экиш истиқболли усул эканлигига қатъий ишонч ҳосил қилдим. Уни ўзимизда қўллашга қатъий аҳд қилдик.

Бироқ, баъзи хўжалик раҳбарлари, бригадирлар оёқ тираб туриб олган кезлар ҳам бўлди. Шунда тушунтириш, ишонтириш йўлини тутдик. Сўнгги сўз хўжалик раҳбарларининг ўзида қолди. Олға интилувчан, омилкор, ташаббускор кишилар янгиликка дадил қўл урдилар. Бахтга қарши кетма-кет ёғингарчиликлар бўлиб, чигит экиш мушкуллашиб кетди. Боз устига ҳали деҳқонларимиз махсус сеялкалардан унумли фойдаланиш борасида етарли тажрибага эга эмасликлари қўшимча муаммоларни келтириб чиқарди. Заршунослар диққат бўлиб турган ўша кезда «Гулистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ашуров ҳамманинг жонига оро кирди.

— Ҳоким бува, — деди у самимий оҳангда, — биз чигитни тунда экаяпмиз. Қош қорая бошлаганда ер селгиб, далага уруғ қадаш имконияти яратилади. Мушкул вазиятдан чиқишнинг бирдан-бир йўли шу. Акс ҳолда қимматли вақт бой берилади.

Тадбиркор раис маслаҳатига амал қилдик. Муҳим тадбирни амалга оширишга қўшимча ишчи кучи, техникалар ажратилди. Одамларимизга балли, кечани-кеча, кундузни-кундуз демай фидойилик кўрсатдилар. Натижада биринчи бўлиб чигит экишни тугалладик. Ҳамма нарса масъулиятни ҳис қилишга, иштиёқ билан ишлашга боғлиқ. 53 та Андижондан келтирилган сеялкадан унумли фойдалана олдик. 2 минг гектарда истиқболли усул қўлланилди. Минг гектар барака уруғи қўшқаторлаб экилди.

Кўп ўтмаёқ янги усул ўз самараларини кўрсата бошлади. Чигит 3-4 кунда бир текис униб чиқди. Авваллари бир гектар ерда 70 минг туп кўчат бўларди. Ҳозир эса 170 минг кўчат бор. Экин ривожи 15-20 кун олдин, 5 июлдаёқ пайкал оралаганимизда ҳар туп ғўзада 4-5 тадан кўсак борлигини аниқладик. Бундай қувончли манзарани биринчи бор кўришимиз.

Ҳар бир туман, хўжаликда ишнинг оғирини елкасига оладиган ишбилармон, ташкилотчи кишилар бўлади. Муаммоларни вақтида ҳал этиш, барчани мақсад сари бирдек сафарбар этишда жонбозлик кўрсатган туман қишлоқ ва сув жўжалиги бошқармаси раҳбари Эркин ака Рамазонов ҳамда тажрибали мутахассис Омонулла Абдураимов ҳақида илиқ гапларни айттим бор. Иш юришмаганда талабни қаттиқ қўйиб кечаю кундуз тинчлик бермаймиз. Баъзида эса қизишган кезлар ҳам бўлади. Бироқ ҳаммаси иш манфаати, эл манфаати деб қилинади. Буни барча раҳбару мутахассисларимиз яхши тушуниб, бизга мададкор бўлишга ҳаракат қилишади. Қарс икки қўлдан деганларидек, ҳамкору ҳамжиҳатликда ютуқларни мустаҳкамлаб боряпмиз. Бир нарсага қатъий келишиб олганмиз: бутун куч, имкониятни ишга солиб, ҳар соҳада биринчилик учун курашамиз!



Қатъий қарорга келишдан олдин изчил кадрлар сиёсатини ўтказдик. Уларда бозор шароитида ишлаш кўникмасини юзага келтирдик. Иқтисодий билимларимизни оширдик, илғорлар тажрибаси, фан ютуқларини амалиётга дадил жорий этдик. Шу тарика муамолар бирин-кетин ҳал этилмоқда.

«Боботоғ» хўжалиги Тожикистон билан чегарадош. Деҳқончилик қилинадиган ерлар 40 километр ичкариликда. Экинлар асосан насослар ёрдамида сув ичади. Электр энергияни ўзаро шартнома асосида Тожикистондан олардик. Сўнгги вақтларда бунинг иложи бўлмай қолди. Боиси қадрдонларимизнинг ўзлари анчайин қийналиб қолишди. Масала тегишли юқори ташкилотлар олдига кўндаланг қўйилди. Ҳукуматимиз галдаги ёрдам қўлини чўзди. Эндиликда 30 километр масофага катта маблағ сарфлаб электр симлари тортиб келиняпти. Демак, яқин вақт ичида боботоғликлар электр энергиядан тўла баҳраманд бўладилар. Ўшанда минг гектар янги ер ўзлаштириш бошлаб юборилади.

Ҳозирги кунда бутун диққат-эътибор ғўза парваришига қаратилган. Отахонлар таклифи ва ташаббусига кўра дала бошида 22 минг тонна маҳаллий ўғит жамғарилди. Ҳамма бригадаларда шарбат ўралари ташкил этилди. Ана энди тунги суғориш ғўзаларга бамисоли малҳам бўлаяпти.

Очилдиев номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Абдуҳолиқ Очилдиев отаси ишини муваффақиятли давом эттиряпти. Бир сўзли, ҳамиша ўз кучига, билимига суянадиган бу омилкор раҳбар Андижон усулининг тарғиботчисига айланди. Шахсий намуна кўрсатиб, 500 гектарда истиқболли усулни қўллади. 280 гектар майдонга уруғ қўшқаторлаб экилди. Қарангки, неча йиллан буён экин яхши битмай келаётган ерларда ҳам ғўза барқ уриб ривожланмоқда. Худди шу ерда кўсак бир ой олдин кўринди. Раиснинг таъкидлашича, ҳосилдорлик гектарига 50 центнердан кам бўлмайди.

«Серҳаракат» жамоа хўжалигининг 1510 гектар ери бор. 867 гектарида пахта етиштиради. Омилкор деҳқонлар 350 гектар ерга плёнка остига чигит экдилар. Ҳаёт шуни кўрсатдики, агар Андижон усулини қўллашда мутахассислар тавсия этган барча шартларга риоя этилса, албатта муваффақият таъминланади. «Серҳаракат» хўжалигида 20 июндан кўсак пайдо бўлганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Мавжуд 20 та бригадада мўл ҳосил тўпланмоқда. Мамаражаб Тожиев, Эшмамат Эломонов каби дарғалар қийин шароитда иш юритаётган бўлсалар-да, гектарига 45 центнердан хирмон кўтарамиз, дейишяпти.

Туманимизда ғаллачиликни жадал ривожлантириш юзасидан ҳам аниқ тадбирлар амалга ошириляпти. Муҳим иш учун унумдор ерлар танланди, хўжаликларимиз етарли миқдорда сара уруғ жамғаришга эришдилар. Меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш масалалари устида алоҳида бош қотирилди. Экин парвариши қатъий назоратда бўлди. Ўзибўларчилик, ташимачилик, ғалла майсаларини пайҳон қилишларга қатъий чек қўйилди. Тадбирлар шарофати билан одамлар ғалла бу сиёсат эканлигини тўла тушуниб етдилар. 4342 гектар ерда баракали ҳосил етиштирилди. Ўрим-йиғимга ҳар қачонгидан пухта тайёргарлик кўрдик. 40 та комбайн, 3 та қудратли «Кейс» кечаю кундуз унум билан ишлатилди. Қизғин дамларда ғаллакорларимиздаги энг яхши фазилатлар намоён бўлди Муҳим ишда яппи сафарбарлик таъминланди. Ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланилди. Эл бойлигини манзилга элтиш, исрофгарчиликнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилган саъй-ҳаракатлар ҳам кутилган натижани берди. Вилоятда биринчи бўлиб давлат буюртмасини муваффақиятли адо этдик. Узун тумани ғаллакорлари қабул пунктларига 11556 тонна бошоқли дон етказиб бердилар. Ҳосилдорлик гектарига 35 центнер бўлди. «Серҳаракат» хўжалигидан Эшмирзаев, Омонов кабилар чинакам ғаллакор эканликларини исботладилар.

Туманда 147 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Улар катта хирмонга 1013 тонналик ғаллалари билан ҳисса қўшдилар. Омилкор деҳқонларимиз ғалланинг «Добрий» навини кўплаб етиштиришга муваффақ бўлишганди. Унинг 500 тоннасини энг сара уруғга алмаштирдик.

Иқтисодий ислоҳот изчил амалга оширилаётганлиги, барча соҳа бирдек ривожланаётганлиги боис хўжаликлар аста-секин қаддини тикламоқда. Яхши ишлаб, яхши яшайдиган замонлар келди. Биз бунёдкорлик ишларини имкон қадар жонлантираяпмиз. Биргина «Серҳаракат» хўжалигининг ўзида 2 та мактаб қурилиб ишга туширилди. Янги идора биноси қад ростлади. Маиший хизмат уйи бу йил фойдаланишга топширилади. Қишлоқ врачлик амбулаторияси тез суръатлар билан тикланяпти. Тегирмонлар гурилламоқда. Буларнинг ҳаммаси узунликларга кўтаринкилик, жўшқинлик бахш этаяпти. Зеро соғлом муҳит, ҳамкору ҳамжиҳатлик, ўзаро талабчанлик ҳукм сурган жойда янги довонлар бирин-кетин забт этилаверади!

**Сафар ҲАСАНОВ,**
**Узун тумани ҳокими.**

*Тажриба бир бойлик, оммалашса минг бойлик*

